



Questions of qualification of crimes

Razzok ALTIEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2024

Received in revised form

15 November 2024

Accepted 25 November 2024

Available online

25 December 2024

Keywords:

crime,
qualification of crimes,
composition of crime,
time of commission of crime.

ABSTRACT

The article analyzes the rules and principles of qualification of crimes, as well as the importance of the time of completion of crimes for qualification. Based on the importance of the elements of the crime in the qualification of crimes, subjective, objective and mixed approaches to qualification are considered using examples.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss12/S-pp202-207>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Жиноятларни квалификация қилиш масалалари

Калит сўзлар:

жиноят,
жиноятларни
квалификация қилиш,
жиноят таркиби,
жиноятни тамом бўлиш
вақти.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жиноятларни квалификация қилиш қоидалари ва ёндашувлар ҳамда жиноятларни тамом бўлиш вақтини квалификацияга аҳамияти таҳлил қилинди. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят таркиби белгиларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, квалификацияда субъектив, объектив ва аралаш ёндашувлар мисоллар билан кўриб чиқилди.

Вопросы квалификации преступлений

Ключевые слова:

преступление,
квалификация
преступлений,
состав преступления,
время совершения
преступлений.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются правила и принципы квалификации преступлений, а также значение времени окончания преступлений для квалификации. Исходя из значимости элементов состава преступления при квалификации преступлений, на примерах рассмотрены субъективный, объективный и смешанный подходы к квалификации.

¹ PhD, Associate Professor, Tashkent State University of Law. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: razzok.lawyer@gmail.com

Хато қилиш инсонга хос хислат бўлиб, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида хатолар учраб туради ва бу нормал ҳолат сифатида қаралиши лозим. Инсон кўли билан яратилган барча нарсалар мукамал бўлмаганлиги сабабли, қилмишни квалификация қилишда хато қилмаслик ҳақида ўйлаш реалликдан йироқдир. Шу сабабли инсоният ўзи ва атрофдагилар хатоларидан хулоса чиқариб, уларни такрорламасликка интилиб, ўз хулқ-атворини такомиллаштириш устида мунтазам ишлаб келади. Ўз ўрнида қадимги Рим файласуфи Квинт Гораций “Хатодан қочиш кўрқуви Сизни бошқа хатоларга етаклайди” деганда, хато қилиш инсонга хос бўлган хислат сифатида қаралишини эътироф этган эди.

Барча соҳаларда бўлгани каби, жиноятларни квалификация қилишда ҳам хатолар бўлиб туради ва улар ҳуқуқни кўллаш амалиётида тез-тез учрайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайтида келтирилган маълумотларга кўра, биргина 2024 йилнинг биринчи ярмида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 37 179 нафар шахсга нисбатан 29 086 та жиноят иши кўриб чиқилган. Шунингдек, 465 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинган. Жиноятларни квалификациясидаги хатоларни таҳлил қилганимизда, квалификацияловчи белги сифатида жиноят субъектив томони билан боғлиқ бўлган белгиларни кўллашда хатоликлар кўп учраши аниқланди. Жиноят қонуни ва жиноят процессуал қонуни нормаларини кўллашда бир хилликни таъминлаш ва ҳуқуқни кўллашдаги хатоликларни камайтириш мақсадида, Олий суд томонидан ҳуқуқни кўллаш амалиёти умумлаштирилиб борилади ва жиноятларни квалификация қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади. Квалификация масалалари бўйича ягона қоидалар ҳуқуқий таълимоти ҳамда квалификация қилишда ҳуқуқни кўллаш ягона амалиёти ишлаб чиқилмаганлиги жиноят ҳуқуқи нормаларини кўллашни қийинлаштиради. Амалда бундай турда ягона қоидалар ишлаб чиқиш мумкинми деган асосли савол туғилади... Назаримизда бу ўта баҳсли жараён ҳисобланади. Жиноят ва жиноятчилик ижтимоий ходиса сифатида ҳар бир ҳолатда алоҳида индивидуал белгиларга эга бўлиши, қолаверса, жиноят содир этган шахсни жиноят содир этишга ундовчи омиллар (мотив) ва сабаблар турлича бўлиши ҳамда бошқа бир қатор сабабларга кўра ягона квалификация қоидалари ишлаб чиқиш ва барча ҳолатларга бундай қоидаларни татбиқ этиш имконсиз ҳисобланади. Бу жараённи худди ижтимоий муносабатларни “қолип”га солишга ўхшатиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқида содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши ҳақидаги қонунийлик принципи ҳамда Жиноят-процессуал ҳуқуқдаги айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, шунингдек қонун кўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги принциплари ўз мазмунига кўра ўта муҳим бўлган принциплар ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир ҳолатда қилмишни квалификация қилишда чуқур назарий асосга эга бўлган аниқ фактларга ва далилларга асосланиш ҳамда қилмишни квалификация қилишда жиноят белгилари синчковлик билан ўрганилиши лозим. Хусусан Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида “Айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар” келтирилган бўлиб, уларга куйидагилар киради:

Ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйида таъкидланганлар исботланган бўлиши керак:

- 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Юқорида келтирилган жиноят-процессуал нормада келтирилган ҳар бир банд алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятнинг субъектив томони жиноятнинг ички томони ҳисобланганлиги сабабли, одатда жиноятнинг субъектив томонини квалификация қилишда ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Субъектив томоннинг белгилари жиноятнинг бошқа белгиларини, яъни атрофдаги воқеликда ўз аксини топганлигини таҳлил қилиш йўли билан аниқланади. Бунда шахснинг мақсади билан қамраб олинган, онгида кечган ички ҳис-туйғулари унинг ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) кўчиб, моддий кўриниш касб этади. Шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган ёки онгли равишда йўл қўйиб берганлигини тўғридан-тўғри идрок этиш мураккаб таҳлилий жараён ҳисобланади.

Ҳар доим ҳам айбдорнинг қасди билан қамраб олинган ҳаракатлар охирига етмаслиги ҳамда айбдор ўз мақсадига етмай жиноят тўхтатилиши мумкин. Қасд қисман амалга оширилган жиноятларни квалификация қилиш тугалланмаган жиноятни квалификация қилиш ҳисобланади.

Квалификация қилиш қоидаларини таҳлил қилиш орқали тугалланган жиноятни квалификация қилишда учта ёндашув мавжудлиги аниқланди. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам квалификацияга оид тушунтиришлар берилганда айнан шу қоидаларга таянилганига гувоҳ бўламиз. Мазкур ёндашувлар қуйидагича:

- 1) субъектив ёндашув;
- 2) объектив ёндашув;
- 3) аралаш ёндашув.

Субъектив ёндашув – шахснинг нияти, мақсади йўналишидан келиб чиқади, шахс режалаштирилган қилмишни амалга оширишга муваффақ бўлганда, жиноят тугалланган деб тан олинади.

Масалан: Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкани анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъи назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, анча, кўп ёки жуда кўп миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

Мазкур ёндашув ўта баҳсли бўлиб, бунда айбдорнинг мақсади ҳаракатга кўчиб моддийлик акс эттирмаган бўлса-да, жиноий жавобгарлик учун асос бўлади. Шу ўринда, қадимги Рим ҳуқуқшуноси **Гней Домитий Анний Ульпиан** (лот.

Domitius Ulpianus, 170–223) томонидан фанга олиб кирилган “Фикрлар учун жавобгарлик бўлиш мумкин эмас” (*Cogitationis poenam nemo patitur*) принципнинг мазмунини субъектив ёндашувга кўра квалификация қилиш қоидаларидан фарқлаш лозим. *Cogitationis poenam nemo patitur* принцида шахс фикрлари унинг ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида моддийлик акс эттирмайди, хаттоки бундай фикрлар сўзлар билан ифодаланмаслиги мумкин. Субъектив белгиларга кўра, квалификация қилишда шахс нияти ёки мақсади унинг ҳаракатларида намоён бўлади. Агар жиноят субъектив томони белгилари квалификациянинг зарурий белгиси сифатида эътироф этилиши лозим бўлса, жиноят қонуни буни албатта жиноят диспозициясида кўрсатиб ўтади. Масалан: Тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш (ЖК 124-моддаси). Агар бола эҳтиётсизлик ёки бепарволик натижасида алмаштириб қўйилса, жавобгарлик келиб чиқмайди. Бунга сабаб, жиноятнинг зарурий белгиси “тамагирлик ёки бошқа паст ният”, яъни жиноят субъектив томони квалификациянинг асосий шарти ҳисобланади.

Объектив ёндашув – жиноят объектив томонининг бажарилишига қаралади, жиноятни тугалланган деб топиш вақти фақат объектив томон белгиларига қараб аниқланади.

Масалан: *Агар тасаввур қилинган пора мансабдор шахс томонидан олинмаган ёки олишдан бош тортилган бўлса, пора беришга ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатини пора бериш учун суиқасд қилиш каби тавсифлаш лозим бўлади. Аммо пора бериш ва олиш нафақат мансабдор шахснинг ўзи уни олганида, балки унинг ихтиёри ёки унинг топшириғи бўйича уни бошқа шахслар қабул қилганида ҳам тугалланган жиноят ҳисобланади.*

Бугунги кунда миллий тергов ва суд органлари жиноятларни квалификация қилишда асосан мазкур ёндашувдан фойдаланади. Бунда жиноят таркиби объектив томони белгилари мажмуидан келиб чиқиб, қилмиш квалификация қилинади. Жиноят қонунида қилмиш ёки қилмиш ва оқибат аниқ кўрсатилган ҳолатларда, содир этилган қилмишнинг жиноят қонуни нормасидаги белгилар билан айнанлиги ўрнатилиши классик квалификация қилиш жараёни ҳисобланади. Мазкур ёндашув асосида квалификация қилишда хатоликлар камроқ учрайди.

Аралаш ёндашув – ҳам субъектив, ҳам объектив хусусиятлар ҳисобга олинади.

Масалан: *Босқинчиликда ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, хужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади.*

Мазкур ёндашув асосан мураккаб таркибли жиноятларда учрайди ва нисбатан квалификация қилишда кўпроқ хатоликларга сабаб бўлади. Бунга асосий сабаб, квалификацияда ҳам объектив, ҳам субъектив белгилар бирдек аҳамият касб этиши лозим бўлса-да, амалиётда кўпинча объектив белгилар мавжуд бўлиши квалификация учун етарли деб қаралади. Масалан, босқинчилик жиноятлари таҳлил қилинса, хужумнинг мавжуд бўлиши асосий квалификация белгиси сифатида қаралади, амалда жиноят қонуни нормасида “мақсадли хужум” ҳақида гапирилади. Мақсадни аниқлаш эса албатта жиноят объектив томони белгиларига баҳо бериш орқали амалга ошириладиган жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмида “Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади” деб, келтирилади.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноятнинг тамом бўлиш вақтини белгилашда мазмунан объектив ёндашувдан келиб чиқиб квалификация қилиш қоидаларига асосланади. Жиноят қонуни ва Жиноят ҳуқуқи бўйича аксарият дарсликларда жиноятнинг тугалланиш вақтини баҳолашда объектив томоннинг белгиларига кўпроқ эътибор қаратилади. Илмий адабиётларда ҳам алоҳида жиноятларни тугалланган деб эътироф этиш масалаларини таҳлил қилишда жиноят таркибининг объектив белгиларига мурожаат қилинади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорнинг 5-бандида “Ўзгалар мулкни талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади” деб тушунтириш берилади. Мазкур тушунтиришда ижтимоий хавfli қилмиш ва мулкни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқнинг пайдо бўлиш вақти жиноятни тугалланган деб топиш учун асос сифатида келади.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 13-моддасига кўра, “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ЖК моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ЖК моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади”, деб белгиланган. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиш қоидасида фақат жиноят объектив томони зарурий белгилари, яъни “ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)” ва “жиноий оқибат” ҳақида гап боради. Шунда бўлса-да, Олий суд Пленумининг қатор қарорларида қасд йўналишига кўра квалификация қилиш қоидалари таҳлил қилинганини ҳамда амалиётда айнан айбдорнинг қасди йўналишидан келиб чиқиб, унинг қилмиши квалификация қилинаётганини кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сонли қарорининг 20-банди 4-хатбошисида “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан қатъи назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, анча, кўп ёки жуда кўп миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак” деган мазмундаги тушунтиришлар берилганини кўришимиз мумкин. Субъектив белгиларни ҳисобга олиш зарурати айб учун жавобгарлик тамойилига асосланади.

Қозоғистон Жиноят кодексининг 5-моддаси ҳамда Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 9-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Оқибат келиб чиққан вақтдан қатъий назар, ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади” деб белгиланган бўлиб, жиноят содир этилиши вақти жиноий оқибат келиб чиққан вақт билан боғланмайди.

Жиноятларни квалификация қилишда жиноят тамомланган вақт жазо тайинлашда муҳим аҳамият касб этиб, жазонинг миқдorigа бевосита таъсир қилади. ЖКнинг 58-моддасида “Суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак” деб белгиланган.

Квалификациянинг бир нечта қоидалари мавжудлигига қарамай, уларнинг барчаси ўзига хос камчиликларга эга. Шу сабабли, Олий суд тушунтиришлари ҳар бир жиноят тури ёки турдош жиноятлар юзасидан ишлаб чиқилади ва судларга тавсия сифатида тақдим этилади. Шу ўринда, жиноятлар квалификация қилишга оид Олий суд Пленуми қарорлари мажбурийлиги ҳамда юридик кучи масаласи ҳам алоҳида таҳлилга асос бўлувчи катта мавзу ҳисобланади.

Умуман олганда, квалификация қоидалари имкон қадар умумий (абстракт) ва иложи борича аксарият ҳолатлар учун бир хил бўлиши тавсия этилади. Жиноят ходисасини ягона қолипга солиб бўлмаслиги, кўп сонли истисноларнинг мавжудлиги жиноят қонунини тушунишни қийинлаштириб, ўз ўрнида, ҳуқуқни қўлловчи учун уларни қўллашни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мысли и афоризмы великих людей. Сост. В.И. Кочергин. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2016. – 165 с.
2. <https://sud.uz/news-2024-07-19-2/> (2025 йил 6 январь ҳолати)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 23.06.2023 йилдаги 17-сон., 20-банд;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.09.1999 йилдаги 19-сон., 5-банди;
5. <https://lex.uz/docs/1448644#1448764>
6. <https://lex.uz/ru/docs/6523582> (мурожаат санаси: 6.01.2025 йил)
7. https://continent-online.com/Document/?doc_id=31575252#pos=575;-15, Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V (мурожаат санаси 08.01.2025 й.)
8. <https://rulaws.ru/uk/Razdel-I/Glava-2/Statya-9/> (мурожаат санаси 08.01.2025 й.).